

## USE OF FOREIGN EXPERIENCE IN DIRECTING STUDENTS TO TARGETED CAREERS

F. Eshdavlatov

Teaching of natural and exact sciences  
Teacher of Informatics at the Department

### Annotation:

The article analyzes the active forms and methods of the system of targeted vocational guidance of students in developed countries, the international experience of vocational guidance, taking into account the specifics of the labor market.

**Keywords:** vocational guidance, software products, labor market, forms and methods, international experience, professional information system.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш” каби устивор вазифалар белгилаб берилган. Жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва тараққиётнинг тезлашуви халқаро меҳнат бозорининг такомиллашувига ва унда янги касбларнинг ниҳоятда кўпаяётганлиги сабаб бўлмоқда. Халқаро майдонда касбга йўналтириш тизими икки хил характерга эга бўлиб, муайян умумий ғоялар ҳамда мезонларга кўра ривожланиб бориши ва ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тараққиёт даражасига кўра касбга йўналтириш миллий тизимининг такомиллашиб бориши билан характерланади. Ривожланган мамлакатларнинг касбга йўналтириш миллий тизими мазкур давлатларнинг иқтисодий ҳолати, ижтимоий тараққиёт даражаси, сиёсий тузилиши, миллий таълим тизими, миллий менталитети, касбга йўналтиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш ҳолати билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, жаҳоннинг ривожланган давлатларида касбга йўналтириш тизими турли-туман шаклларда амалга оширилади.

Хорижда ўқувчи-ёшларни касбга йўналтиришга доир дастлабки тажриба

XX асрнинг бошларида АҚШда амалга оширилган, касбий танловнинг мақбуллигига фақатгина фаолият ўзига хослигининг тест, анкета ва индивидуал маслаҳат асосида аниқланган индивиднинг шахсий ўзига хосликлари билан максимал равишда мос келиши орқали эришиш мумкин. Ҳозирги вақтда АҚШдаги мактаблардаги касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш йиллар давомида тўпланган тажрибаларга асосланиб, шу билан бирга ўзида махсус дастурий маҳсулотлар воситасида бўлажак касбни танлашда ўқувчиларга шахсий ташаббусни мотивлаштирувчи янги йўналишларни ҳам ўзида акс эттиради. Мазкур дастурлар доирасида юқори синф ўқувчилари касбий танлов билан алоқадор соҳаларда амалиёт ўташ имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун дастурга ўқувчиларни иш ўринлари билан таъминлаш бўйича маълум бир меҳнат бозорини шакллантирадиган тадбиркорлар ва иш берувчилар жалб этилади. Бундан ташқари, юқори синфларда тадқиқотчилик, лойиҳавий, бошқарув, технологик соҳалар ва ишлаб чиқариш фаолиятида амалиётга йўналтирилган компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган икки йиллик дастур доирасида чуқурлаштирилган машғулотларда иштирок этиш имконияти тақдим этилади.

Англияда касбга йўналтириш тизимининг таянч нуқтаси касбий маслаҳат ташкилотлари орқали ифодаланади. Англия мактабларида касбга йўналтириш ишлари ўқитишнинг фаол

шакл ва методларига асосланади. Турли меҳнат операцияларини имитацион моделлаштиришга асосланган ролли ўйинларга катта эътибор берилади. Бу ўйинлар Англияликларнинг меҳнат бозори хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шахснинг касбий танлов соҳасидаги позициясини фаоллаштириш мақсадида ишлаб чиқилади. Касбга йўналтиришнинг фаол шакл ва методларидан кенг фойдаланилиши инглиз мактабларида мини-корхоналарнинг яратилишига олиб келди. Бунда ўқувчилар ишлаб чиқиладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизмат турини аниқлайдилар, маркетинг ва савдо ишларини амалга оширадilar. Бу касбга мослашишнинг фаол шакллари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари Англияда касбий ахборотлар тизимининг компьютер ва аудиовизуал тизими ҳамда оммавий ахборот восталари билан ишлаш тизимининг яратилиши, махсус нашр маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши, корхона эгалари диққатини ёшларни иш билан таъминлашда барқарорликка эришишга жалб этилишида намоён бўлмоқда. Айниқса, касбга йўналтириш хизмати ва ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг биргаликда олиб борилаётганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Касбга йўналтиришнинг шведча меҳнат бозори ва таълим тизимининг ўзаро таъсири давлат томонидан юқори даражада бошқарилиши билан ажралиб туради. Давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири касбга йўналтириш ишларини самарали йўлга қўйишга қаратилган турли дастурлар ишлаб чиқилишида намоён бўлади. Ушбу дастурнинг ўзига хос жиҳати ўқувчиларни касбга йўналтиришга оид саъй-ҳаракатларни коррекциялаш, шунингдек, уларнинг касбий ўз-ўзини аниқлашига қаратилган фаолиятини ўз вақтида фаоллаштириш имкониятининг мавдждудлигида ифодаланди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, швед мактабларида касбга йўналтириш ишлари алоҳида мутахассисларга юклатилмай, балки мактаб директори бошчилигида бутун педагогик жамоа зиммасига топширилади. Шу билан бирга жойлардаги ёшларни ишга жойлаштириш кўмиталари шуғулланадилар, унинг таркиби аҳоли, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳокимият органлари ва корхоналар вакиллари, битирувчиларни эҳтиёжларини изоҳлайдиган мактаб директорларидан ташкил топади. Швеция, шунингдек, касбга йўналтиришни информацион қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси билан диққатга сазовордир. Яъни, бу ерда меҳнат бозоридаги вазият таҳлили келтирилган, касблар бўйича тўлиқ маълумотларни жамлаб берувчи барчага бирдек тушунарли бўлган маълумот банклари мавжуд.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони.
- 2.Гриншпун С.С. Профессиональная ориентация школьников в США Педагогика. – 2005.
- 3.Гриншпун, С.С. Организация профориентации школьников в Великобритании. Педагогика. – 2005.
- 3.Гриншпун С.С. Подготовка учащихся к жизни и труду в школах Швеции. Педагогика. – 2007.